

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022


2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ Смысл Своей Жизни.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



OKTYABR
№ 45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Тожиева Муборакхон Анваровна	
МЕДИАЦИЯ-НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ.....	7
2. Мавлонов Темур Анвар ўғли	
ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР МАСАЛАСИ	10
3. Ҳакимов Комил Баҳтиярович	
АФФЕКТ (КУЧЛИ РУХИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ БҮЙИЧА ИЛ- МИЙ МУШОҲАДА	11
4. Мустафоева Нафосат Мирзаёр қизи	
МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА БАНДЛИК- КА КўМАКЛАШИШ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ БҮЙИЧА ЖАВОБ- ГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ	14
5. Мавлонов Темур Анвар ўғли, Кулахметов Абдусаттор Баҳридинович	
ИҲТИЁРИЙ РАВИШДА ҚОПЛАНГАН ЗАРАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШГА АСОС	17



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

МЕДИАЦИЯ-НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ.

Тожиева Муборакхон Анваровна
Судьялар Олий мактаби мустақил изланувчиси

Abstract: Today, the role of the institution of mediation in resolving conflicts around the world is expanding. In particular, since 2018, a completely new system has entered into the legislation of Uzbekistan - mediation as an alternative way of resolving disputes. Family mediation is a type of mediation.

Key words: mediation, conflicts, mediation disputes, mediator

MEDIATION IS AN EFFECTIVE WAY TO RESOLVE CONFLICTS.

Аннотация: Буғунги кунда низоларни ҳал қилишида медиация институтининг роли бутун дунёда кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон қонунчилигига мутлақо янги тизим - низоларни ҳал қилишининг муқобил усули сифатида медиация жорий этилди.

Калит сўзлар: медиация, низолар, медиатив келишув, медиатор.

Медиация тушунчаси, лотинча “mediare” сўзидан олинган бўлиб, “воситачилик қилиш” деган маънени англатади¹. Шу сабабли ҳалқаро муомалада медиация “воситачилик”, “ярашириш мақсадида аралашув” маъноларида қўлланади ва юридик адабиётларда медиация ва воситачилик тушунчалари бир хил маъно касб этади.

Голуб О.Ю. фикрича, медиация одамлар ўртасидаги мулоқот маданиятининг янги даражасидир. Медиация орқали низолашаётган томонлар бир-бирларинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва манфаатларини эшитиш ва тушуниш ҳамда келишувга эришиш имкониятига эга бўладилар, сабаби низоларни ҳал қилишининг муқобил усуллари ва уларнинг мослашувчанлиги ва ихтиёрийлиги туфайли низоларга ечим топишда кўпроқ имкониятларни беради. Ушбу жараён шерикликни мустаҳкамлашга, фуқаролик муомаласи иштирокчилари томонидан низоли вазиятларни тинч ва мустақил ҳал қилишининг хуқуқий маданиятини шакллантиришга ёрдам беради².

Ш.М.Масадиков медиацияни тарафларга ўзаро мақбул келишувга эришишига кўмаклашувчи ва қарор чиқариш хуқуқига эга бўлмаган бетараф медиатор ёрдамида улар ўртасидаги низони ҳал қилиш усули сифатида тушунади³.

Е.И.Носырова воситачиликни учинчи мустақил иштирокчи - воситачи (медиатор) ёрдамида тарафлар орасидаги муаммони тартибга солиш жараёни сифатида кўради⁴.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида судгача низоларни ҳал этишнинг механизмларини белгиловчи “Ярашириш жараёнлари (медиация) тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойихасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Шу муносабат билан 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

¹ Англо-русский юридический слова. / С.Андреев, А. Берсон, А.Никифоров- М.: РУССО . 2002.-С.283.

² Голуб О.Ю. О взаимосвязи медиации и правовой культуры // Известия Саратовского ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16. Вып. 4. С. 459–464.

³ Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан // дисс. на соис.ученой степени к.ю.н. – Т.: 2008. – С.26.

⁴ Носырева Е.И. Посредничество в урегулировании правовых споров: опыт США // Государство и право. 1997. № 5. с. 109.



Қонунга кўра, медиация бу келиб чиқсан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор яъни медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс кўмагида ҳал қилиш усулидир.

Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, якка меҳнат низоларига ва оиласи ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга татбиқ этилади.

Қонунда асосий қўлланиладиган тушунчалар, принциплар, процедурани ўтказиш тартибаомиллари ўрин олган. Шу билан бирга, ушбу қонунда низоларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилувчи бўшлиқлар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Улардан бир нечтасини куриб чиқамиз.

Биринчидан, Қонунда медиация ўтказишнинг тартиби ўзи қандай амалга оширилиши хақда ҳеч қандай кўрсатма йўқ.

Таъкидлаш жоизки, ярашув тартиб-таомилини ўтказиш тартиби тарафлар томонидан тегишли медиация келишувида белгиланади. Бир томондан бу томонлар учун ҳаракат эркинлигини билдиради, бироқ бошқа томондан, шунга ўхшаш институт мавжуд бўлмагандан, процедура субъектлари баъзан нима қилиш керак эканлигини билишмайди. Ушбу ҳуқуқий бошлиқни бартараф этиш учун медиация жараёнини босқичларга бўлиш мумкин бўлган умумий процедурани тартибга солувчи қоидани киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу таклиф медиация иштирокчиларининг у ёки бу босқичдаги ҳаракатларига оид масалани ҳал қилишга ёрдам беради. Шунингдек, медиациядан фойдаланиш кенг тарқалгандан сўнг, процедурани мустақил равишда белгилаш тўғрисидаги қоидалар янада долзарб бўлади.

Иккинчидан, медиация тўғрисидаги Қонуннинг 12-моддасида медиаторнинг фаолияти профессионал ёки нопрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин эканлиги таъкидланган. Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўкув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин. Нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин, шунингдек, нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича маҳсус ўкув курсидан ўтиши мумкин.

Ҳамда қуидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс, бундан нотариуслар мустасно;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахс.

Шу билан бирга юқорида келтирилган қонунинг 3 моддаси 1 қисмига кўра: “Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек якка меҳнат низоларига ва оиласи ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, татбиқ этилади”. Шундай экан, юридик маълумотга эга бўлмаган шахс ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда қандай ёрдам бера олади, деган савол туғилади? Бизнинг фикримизча қонун чиқарувчи медиация тўғрисидаги қонун доирасини фақат ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш соҳасига қадар кенгайтириши керак, хусусан, медиаторнинг олий ҳуқуқий маълумотга эга бўлиши мажбурий талаб сифатида белгиланиши лозим деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, медиаторлар фаолияти вужудга келган муаммолар, келишмовчилик ва низоларни ҳал қилишга ёрдам беришга қаратилган. Бу жараён нафақат низо ва унинг натижасида келиб чиқадиган салбий ҳиссиётларни енгашга имкон беради, балки келажакда ишонч асосида янги келишувларга эришишга ҳам ёрдам беради. Шундай қилиб, жорий этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган медиация институтининг муаммоларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди, чунки улар кўриб чиқилаётган ярашув тартиб-таомилини жамиятда жорий этиш, ривожлантириш ва оммалаштиришга жиддий тўсик бўлмоқда. Ўйлаймизки,



жаҳоннинг илғор тажрибасини инобатга олган мазкур институт мамлакатимизда кенг куртак ёяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ти ЎРҚ-482-сон Конуни. <https://lex.uz/docs/3805227>
2. Англо-русский юридический слова. / С.Андианов, А. Берсон, А.Никифоров- М.: РУССО . 2002.-С.283.
3. Голуб О.Ю. О взаимосвязи медиации и правовой культуры // Известия Саратовского ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16. Вып. 4. С. 459–464.
4. Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан // дисс. на соис.ученой степени к.ю.н. – Т.: 2008. – С.26.
5. Носырева Е.И. Посредничество в урегулировании правовых споров: опыт США // Государство и право. 1997. № 5. с. 109.<https://www.lex.uz>
6. www.sud.uz
7. www.minjust.uz



ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШДА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР МАСАЛАСИ

Мавлонов Темур Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Олий таълимдан кейинги таълим факультети
докторантура докторанти

Анотация: Мақолада терговга қадар текширув босқичида ашёвий далиллар билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимиға алоқадор айрим фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: ашёвий далил, зарани қоплаш, исботлаш, терговга қадар текширув..

Тадқиқотимиз жараёнида терговга қадар текширув материалларини ўрганиш жараёнида шуни кузатдикки, аксарият ҳолларда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси ушбу босқичда жиноятдан жабр кўрган шахсга тегишли бўлган қимматликларни ўз эгасига топширмайди ва бунга асосан қуйидагилар сабаб бўляпти:

1. Жиноят аломатлари мавжуд ҳолатларда суриштирувчи ёки терговчиларнинг мазкур терговга қадар текширув материалларини олинган ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулклар ушбу материалларга илова қилинмаганлиги туфайли ўз иш юритувига олишдан бош тортаётганликлари.

2. Терговга қадар текширув органи мансабдор шахсларининг масъулиятдан қочишлари, яъни олинган ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулклар кейинчалик тергов ёки суд босқичида исботлаш жараёнида керак бўлади деган фикрда бўлишлари.

3. Олинган ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкларни ўз эгаларига топшириш вақтида уларни маълум бир вақт давомида асл ҳолича сақлаш мажбуриятини юклай олмасликлари. Тўғри, тергов ва суд амалиётида ашёвий далиллар ўз эгаларига топширилаётган вақтда улардан ушбу нарсаларни суд хукми қонуний кучга киргунга қадар ўз ҳолича сақлаш бўйича тилхат олиш йўлга қўйилган. Аммо, бу тилхатда белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик учун ҳеч қандай жавобгарлик ийӯқ. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ўзига тегишли бўлган ва ашёвий далил сифатида эътироф этилган қимматликларни сақлаш юзасидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганликлари учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган.

4. Яна бир сабаблардан бири бу олинган ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулклар билан ўтказиладиган исботлаш жараёни билан боғлиқ тергов харакатларини ўтказишида маълум бир муддат белгиланмаганлиги. Терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичларида ўтказиладиган тергов харакатларининг аксариятида қанча вақт ичida ўтказиши лозимлиги белгиланмаган.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида [1] қимматбаҳо нарсалар зарур тергов харакатлари ўтказилгандан сўнг, пул маблағлари эса суратга ва кино ёки видеотасвирга олингандан сўнг, агар пул банкнотларининг идентификацион белгилари кейинчалик исботлаш жараёнида талаб этилмаса, қонуний эгаларига қайтарилиши лозимлиги, Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 97-моддасида [2] эса агарда иш юритувига зарар келтирмаса, ашёвий далиллар иш юритуви қонуний ҳал қилингунга қадар ўз эгаларига қайтарилиши мумкинлиги белгиланган.

Бизнинг қонунчилигимзда ҳам шунга ўхшаш нормалар ўз аксини топса, жиноят процесси иштирокчиларининг манфаатларини таъминлаш яна бир поғонага юксалган бўлар эди, назаримизда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 07.10.2022) // Электрон манба: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481 (Мурожаат этилган сана: 19.10.2022)

2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 20.07.2022) // Электрон манба: <https://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks> (Мурожаат этилган сана: 19.10.2022)



**АФФЕКТ (КУЧЛИ РУХИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ) ҲОЛАТИДА СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН
ФАРҚЛАШ БҮЙИЧА ИЛМИЙ МУШОҲАДА**

Хакимов Комил Баҳтиярович,
Тошкент давлат юридик университети
кафедра мудири
E-mail: hkb22@mail.ru

Аннотация: Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида (аффект) содир этиладиган айрим жиноятларни ўхшаш таркибли бошқа жиноятлардан фарқлаш бўйича илмий қарашлар юзасидан фикр юритилган.

Калит сўзлар: кучли рухий ҳаяжонланиш, жиноят, аффект, аффект ҳолати, квалификация.

Дунёда халқаро ҳамжамият, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жиноятчиликни олдини олиш борасида давлатларнинг ўз олдига олган мажбуриятларини бажариши ҳамда шахсни құлмишига яраша адолатли равишда жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашни самарали ташкил этиш зарурлиги мунтазам равишда мухокама қилиб келинади. БМТнинг маълумотларига кўра, «бугунги кунда жиноий жавобгарлик тизимини янада такомиллаштиришга ва жиноятчиликка қарши кураш тадбирларини ташкил этиш учун ажратилган харажатлар ўртacha ривожланаётган давлатларда 95% га, иқтисодий ўтиш жараёнини ўtkазаётган давлатларда 75% га, ривожланган давлатларда эса 50% ўsgan»лиги[1] ушбу соҳада давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш вазифасини қўймоқда.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, инсон руҳияти билан боғлиқ равишда содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш, аффект ҳолати ва унга имкон берган сабаб ва шароитларни олдини олиш, аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида жиноят содир этганлик учун жавобгарликни белгилаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиласидан ҳуқуқий бўшликлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда Жиноят кодексида қўлланилайдиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ҳамда ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий құлмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» [2] суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда юзага келадиган ҳуқуқий мунозаралардан бири бу уни қасдан одам ўлдириш жинояти билан фарқлаш масалалари саналади.

Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилишдаги муаммо кўпинча мазкур тоифадаги жиноятларни ўхшаш таркибли жиноятлардан, хусусан, ЖК 97-модда 1-қисм, 97-модда 2-қисм «ж» банди, 100-модда, 101-модда, 104-модда 2-қисм «в» банди, 105-модда 2-қисм «г» банди, 107-модда, 108-моддалардан тўғри фарқлашда вужудга келади.

Мазкур тоифадаги жиноятларни ўзаро фарқлашда субъектив томонинг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, жиноят содир этишга бевосита таъсир қўрсатувчи кучли рухий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатини мавжудлиги инобатга олиниши лозим.

Аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларни оддий таркибли қасдан одам ўлдириш (97-модда 1-қисм) ёки баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст (104-модда 1-қисм ва 105-модда



1-қисм) етказишдан фарқлашда, энг аввало, аффект ҳолатида қасддан одам ўлдириш ёки баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жиноятларининг объектив томони белгиларини чукур таҳлил қилиш талаб қилинади.

Бу ўринда шунга эътибор каратиш лозимки, жиноят қонуни фақатгина жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларига жавоб таъсири тариқасида юзага келган аффект ҳолатида жиноят содир этганлик белгиси учунгина мазкур тоифадаги жиноятларни енгиллаштирувчи таркиб деб белгилайди. Бу жиноятларда қасднинг вужудга келиш вақтини инобатга олиш ҳам мухим аҳамият касб этади. ЖК 98, 106-моддалари таҳриридан кўриниб турибдики, мазкур жиноятларда жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларига жавоб таъсири тўсатдан вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати натижасида вужудга келади. Айнан жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори жиноятнинг вужудга келиш сабабини ташкил этади.

Бу ўринда фақатгина ғайриқонуний хатти-ҳаракат устида сўз бормоқда, агар жабрланувчи зарурый мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зўрлик ҳаракатларини айбдорга нисбатан татбиқ этиши натижасида вужудга келган аффект ҳолатида содир этилган тақдирда қилмишни ЖК 98, 106-моддалари билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда узок вақтдан буён рашк мотиви остида вужудга келган аффект ҳолатида содир этилган жиноятни квалификация қилиш масаласи мунозарали мавзулардан бирига айланиб улгурган. Бу масалада олимларнинг фикрлари ҳам иккига бўлинган. Биринчи тоифа олимлар бу каби мотив билан вужудга келган жиноятларни ЖК 98, 106-моддалари билан квалификация қилиш лозим деган фикрни илгари сурсалар, иккинчи тоифа олимлар эса қилмишни бу тарзда квалификация қилишга қарши фикр билдириб ўтган.

О.Зокированинг таъкидлашича, рашк туфайли содир этилган жиноятлар негизида эркакнинг кўп хотинликка интилиши ва жамиятдаги расм-руsum ва одатлар, ақидалар ўртасидаги ижтимоий-маданий зиддиятлар мавжуд бўлади. Эркакнинг бундай хатти-ҳаракати муайян ахлоқий мезонлар асосида яшаётган жамиятнинг фаол қаршилигига дуч келади [3].

Одатда рашк мотиви эр-хотин ўртасидаги низоли вазиятга нисбатан татбиқ қилинади. Лекин ушбу қараш мазкур масалани тўғри тадқиқ қилиш имкониятини чеклайди. Шу боис, аввало рашк мотиви вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар доирасини аниқлашимиз лозим.

Бунда икки вазиятга алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Биринчидан, бизнингча, рашк нафақат эр-хотин ўртасидаги муносабатларга, балки у кенгроқ доирадаги инсонлар ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишли тушунчадир. Рашк ҳисси ота-она ва фарзандлар ёки бошқа қариндошлар ўртасида ҳам ёхуд унаштирилган йигит ва қиз ёки бир-бирини севганлар ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин.

Иккинчидан, рашк хақида фикр юритаётган олимлар ушбу тушунчани хиёнат ёки бевафолик билан боғлашга урунадилар. Лекин, эр-хотин ўртасидаги бевафолик нафақат хиёнат орқали амалга оширилиши мумкин, балки бошқа бир шахс билан қучоқлашиш ёки унга севги изҳор қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, рашкни вужудга келтирувчи жуда кўплаб ҳолатлар мавжудлигини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, қилмишни ЖК 98, 106-моддалари билан квалификация қилишда рашк туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини тўсатдан ва кескин юз берганлигига эътибор каратиш мақсадга мувофиқ.

Аффект ҳолатини вужудга келтирувчи сабаб сифатида кутилмаганда эр ёки хотиннинг хиёнат устида тутиб олиниши натижасида тўсатдан юз берган рашк икки ҳисса намоён бўлиши мумкинлиги деярли барча юридик адабиётларда ва амалиётда ҳам тан олинган.

Шундай қилиб, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган жиноятларни ЖК 97-моддаси 1-қисм, 97-модда 2-қисм «ж» банди, 100-модда, 101-модда, 104-модда 2-қисм «в» банди, 105-модда 2-қисм «г» банди, 107-модда, 108-моддадан тўғри фарқлашда ушбу жиноятларнинг барча объектив ва субъектив белгиларини биргаликда ҳисобга олиш талаб қилинади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.un.org/development/desa/publications/publication/page/2>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Зокирова О. Рашк жиноятга бошлиши мумкинми ? // Ҳаёт ва қонун. 2003. – № 1. – Б. 27-29.; Зокирова О. F. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. Монография. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 202 б.



**МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА
БАНДЛИККА КЎМАКЛАШИШ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ
БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Мустафоева Нафосат Мирзаёр қизи
Тошкент давлат юридик университети
“Меҳнат ҳуқуқи” йўналиши магистранти

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада ҳозириги вактда давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши бўлган аҳолини иш билан таъминлаш, бандликка кўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича чиқарилган қонун ҳужжатларини бузилиши ва ушбу қонун бузилиш ҳолатлари қонунчилигимиз доирасида кўриб чиқилган. Бундан ташқари аҳолининг ижтимоий муҳофаза муҳтож шахсларга берилаётган имкониятлар ва ушбу қонун ҳужжатларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик масалалари муҳокама қилинган.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР: қонунбузарлик, идоравий бўйсунув, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари, иш берувчи, давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори, қонун бузилганлиги тўғрисидаги баённома, жарима солиш тўғрисидаги қарор.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида назарда тутилган “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга” эканлиги ҳақидаги қоидани амалга оширишга қаратилган барча муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ўрнатилган. Қонун устуворлиги амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг бош тамойилларидан бири саналади. Келажаги буюк давлат барпо этиш мақсадини ўз олдимизга қўяр эканмиз, ушбу буюк давлатни инсоният ўз тараққиётида кўлга киритган демократик ва умуминсоний қадриятлар олий неъмат деб қараладиган фуқаролик жамияти сифатида кўз олдимизда тасаввур этамиз. Табиийки, бундай давлатда ва жамиятда фуқаролар ҳуқуқлари поймол этилиши, инсоний манфаатлар оёқ ости қилинишига асло йўл қўйилмайди.

Афсуски, бугунги кунда корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунларини бузиш, ходимлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига беписандлик билан қарап, аҳолини иш билан таъминлашга оид қонун талабларига амал қилмаслик ҳоллари тез-тез учраб турибди. Корхоналарда Меҳнат кодексининг хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва ногиронлар учун белгиланган имтиёзларга доир қисмини ижро этилиши аҳволи қониқарсиз эканлиги, имтиёз ва кафолатлар бу шахсларга тўла ҳажмда берилмаётганлиги, бошқа қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, айrim ҳолларда қонунийликни таъминлаш учун масъул шахсларнинг ўзлари томонидан меҳнат қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари қўпол бузилаётганини кузатишнинг ўзи ачинарли. Бундай салбий ҳолатлар қонунчиликни таъминлаш устидан кузатув ва назоратни кучайтириш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатади.

Корхона, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқий жавобгарлиги, “Аҳолини бандлиги тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлик учун, идоравий бўйсуниши, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, барча иш берувчилар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 1-сон қарори билан “Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, [1] мазкур ҳужжатга кўра Низом: “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун корхоналарга, муассасаларга, бирлашмаларга ва ташкилотларга юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги



қонун хужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартибини белгилайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя қилиниши устидан назорат ва уларнинг бажарилишини ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан амалга оширилади.

“Аҳолини бандлиги тўғрисида”ги қонунга кўра эса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаганлик учун, шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим олган ёки касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади.[2]

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 50, 51 ва 229-моддаларига мувофиқ** мансабдор шахсларга қўйидаги миқдорларда жарималар солинади:

а) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган фуқароларни у ерда бўш иш жойлари (бўш лавозимлар) бўлгани ҳолда ишга олишдан асоссиз бош тортганлик учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

б) меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбур қилганлик учун, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, – энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда;

б) меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбур қилганлик учун, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда;

в) бўш иш жойлари (бўш лавозимлар)ни яширганлик учун – энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

г) ҳар бир ходимнинг ўрни бўшаётганлиги тўғрисидаги (унинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда) ахборотларни ўз вақтида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этмаганлик учун – энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

д) Ўзбекистон Республикасининг бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда.

Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари “Аҳолини бандлиги тўғрисида”ги қонун талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга жарима солишда қўйидаги ҳаракатларни амалга оширадилар:

а) қонун бузилганлиги ҳақида баённома тузадилар. Баённомада унинг тузилган санаси ва жойи, давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, иш жойининг номи, қонун бузилиши ҳолатларининг мазмуни, бунга айбордor бўлган шахсларнинг тушунтиришлари ва ушбу тушунтиришларни кўриб чиқиш натижалари, текшириш давомида ўрганилган хужжатлар, айбордor шахс қабул қилинган қарор билан таништирилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳамда унга қарор устидан шикоят қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш берилганлиги кўрсатилади. Баённома давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан имзоланади;

б) қонунни бузганлик учун жарима солиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Қарорда у қабул қилинган сана, қонун бузилиши содир этилган корхона (ташкилот, муассаса) нинг номи ҳамда иш берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, қонун талаблари бузилга ҳолатлар, жарима солиш учун асос бўлган қонун ва меъерий хужжат номи, жарима солинаёттан мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, солинаётган жарима миқдори, жарима ўтказилиши лозим бўлган банк муассасаси ва ҳисоб рақами, қарор бажарилганлиги тўғрисида Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига маълумот бериш лозимлиги кўрсатилади. Қарор давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан



имзоланади.

Қонун бузилганлиги ҳақида баённома ва жарима солиш тўғрисидаги қарор уч нусхада тузилади. Уларнинг биринчи нусхаси жарима солинган шахсга, иккинчи нусхаси иш берувчига, агар жарима иш берувчига солинаётган бўлса у бўйсунадиган юқори ташкилотга берилади. Учинчи нусхаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторида қолади.

Жарима солиш жараёнида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш (протест бериш), шикоят (протест)ни кўриб чиқиши, чиқарилган қарор ижросини тўхтатиб туриш, қарор ижроси бўйича иш юритиш ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Мъамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ишсиз деб эътироф қилинган фуқаролар ҳам нотўғри ва қалбаки маълумотларни тақдим этиш орқали ноқонуний равишда ишсизлик нафақаси ёки моддий ёрдам олганлари тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар, улар томонидан етказилган зарар белгиланган тартибда ундириб олинади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқкан ҳолда хулоса қиласидан бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-5094-сонли Карорида кўзда тутилган масалалар амалга оширилаётганлигига ҳолати бўйича назорат олиб бориш ва ушбу қонун ҳужжатларининг бузилиши бўйича жавобгарлик чоралари мавжуд экан.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган қоидаларни белгилаб берса, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида” 166-сонли бўйруғи эса аҳолининг меҳнат қилиш билан боғлиқ муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкилий ва амалий жиҳатларини тартибга солинган ҳамда ушбу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Адабиётлар рўйхати, Список литературы, Bibliography:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар кўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисида Низом. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 1-2-сон, 4-мода.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 03/21/681/0264-сон.



ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ҚОПЛАНГАН ЗАРАР ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШГА АСОС

Мавлонов Темур Анвар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Олий таълимдан кейинги таълим факультети
докторантураси докторанти

Кулахметов Абдулжон Бахридинович
ИИВнинг 1-сон Тошкент академик лицейи
Ҳукуқий фанлар кафедраси бош ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

Анотация: Ушбу мақолада жиноят содир этган шахсларнинг моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплаганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ муроҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Жавобгарлик, рағбатлантирувчи норма, исботлаш, ихтиёрий қоплаш.

Кейинчалик ишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган гумондор шахсларга улар томонидан етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланган тақдирда жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши мумкинлиги, шунингдек судлар томонидан ушбу ҳолат жазо тайинлаш вактида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинишини тушунтириш терговга қадар текширув босқичидаёқ зарарни қопланишига хизмат қилувчи асосий омил хисобланади.

Бу борада айрим процессуалист олимлар (В.М. Усков, Е.Н. Клещина, В.В. Константинов, Д.Ю. Манцуров, Е.А. Малиновская) [1] ишни юритишига масъул бўлган шахслар жиноят иши қўзғатилишидан олдин, яъни терговга қадар текширув босқичидаёқ зарар етказган шахс ёки унинг манфаатларини қўзлаб ҳаракат қиласиган шахслар томонидан етказган зарарни ихтиёрий қопланиши билан боғлиқ чораларни кўриши зарурлигини такидлайдилар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 180, 181, 1811, 184, 1852, 188, 189, 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс ўттиз кунлик муддат ичидаги жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши хақидаги рағбатлантирувчи қоида мавжуд. Бу босқичда терговга қадар текширув муддати ҳам ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисмига мувофиқ бир ойга қадар узайтирилиши мумкин ва ушбу муддат тугагунга қадар жиноят ишини қўзғатиш масаласи кўриб чиқилмайди. Заар қопланган тақдирда терговга қадар текширувни амалга ошираётган шахс ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига асосланган ҳолда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқариши лозим. Аммо, бу муддат тугагунга қадар етказиган зарар қопланмаган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширишга масъул бўлган шахс жиноят ишини қўзғатишга мажбур.

ЖКнинг 180, 181, 1811-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар, белгиланган ўттиз кунлик муддат ўтгандан сўнг, аммо суд томонидан хукм чиқарилгунга қадар зарарни қоплаган тақдирда, бу шахсларга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди. Масъул шахслардан талаб этиладиган ҳаракат эса ушбу рағбатлантирувчи норма мавжудлигини ва зарар қопланган тақдирда қандай натижа олиб келишини тушунтириш ва бу жараёнларни процессуал жиҳатдан расмийлаштириб қўйишидир. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ушбу ҳолатда қандай процессуал хужжат тузилиши масаласи ёритилмаган. Аммо, умумий қоидаларга асосланган ҳолда бугунги кунда тергов амалиётида бу жараён алоҳида баённома билан расмийлаштирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Клещина Е.Н. О некоторых проблемах возмещения вреда, причиненного преступлением потерпевшему // Преступность и общество: Сборник научных трудов. - М.: ВНИИ МВД России, 2009. - С. 106-107. Схожие позиции высказывают и другие авторы, названные нами выше. См.: Константинов В.В. Пределы доказывания на стадии возбуждения



уголовных дел о должностных преступлениях, совершаемых сотрудниками органов внутренних дел // Вестник Нижегородской академии МВД России. - 2010. - № 1 (12). - С. 283; Манцуров Д.Ю. Возмещение вреда потерпевшему в уголовном процессе: Монография. - Хабаровск: Дальневосточный юридический институт, 2008. - С. 10. Малиновская Е.А. К вопросу о методах определения размера материального вреда, причиненного преступлением // Закон и право. - 2015. - № 7. - С. 160.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

**Масъул мухаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000